



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (12.934)

Баҳоси эркин нарҳда

БМТ БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби
Пан Ги Мун 11 июнь кунни расмий таширф билан
мамлакатимизга келди.**

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг БМТ делегацияси Қўқсарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

БМТ Бош котибининг Ўзбекистонга расмий таширфи доирасидаги асосий тадбирлар 12 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг учрашув ва музокаралари чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилади.

Таширф доирасида БМТ Бош котиби Бухорода ҳам бўлиб, шаҳарнинг қадимий тарихи ва меъморий ёдгорликлари билан танишади.

(ЎЗА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2014 ЙИЛДАГИ ҲАМДА 2015 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**11 июнь кунни Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги
мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратишни, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттиришни асосий вазифалар сифатида белгилаб берди.

Депутатлар шунга таянган ҳолда куннинг биринчи ярмида парламентнинг мамлакатимиз Конституциясида белгиланган ваколатларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини батафсил кўриб чиқдилар.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижроси устидан парламент назорати доимо депутатлар корпусининг диққати-эътиборида туради. Ушбу йўналишда аниқ тизим йўлга қўйилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси яқунларининг қўми-талар, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи мажлисларидаги дастлабки тарзда муҳокама қилади. Йиғилишлар якунида депутатлар бирлашмаларининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, нукта назарлари шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўрин-босари – молия вазири Р.Азиев маъруза қилди.

Қонунчилик палатаси мажлисида иқтисодиётда 2014 йил давомида эришилган ижобий таркибий силжишлар, сифат ўзгаришлари ва ижобий тенденциялар, шунингдек, самарали пул-кредит ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизни ривожлантиришнинг юқори суръатларини сақлашнинг муҳим шартлари бўлиб, аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишига кўмаклашди, давлат бюджетининг йил бошида ЯИМга нисбатан белгиланган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилишига имкон бергани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда ўсишини тавсифловчи мустақам ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шaroитларида амалга оширилди.

2014 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 8,1 фоиз ўсди, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоиз ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичдан паст бўлди ва 6,1 фоизни ташкил этди.

Ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш сифатини ва даражасини муттасил ошириб бориш масалаларига ҳукумат томонидан катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2014 йилда фуқароларнинг реал даромадлари 10,2 фоиз, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 23,2 фоиз ошди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда)



«Ташаббус — 2015»

ТАШАББУС: ТАДБИРКОРЛИК, ФЕРМЕРЛИК, ҲУНАРМАНДЛИК

**«Туркистон» саройида 11 июнь кунни
Ўзбекистон Республикаси Президенти
соврини учун «Ташаббус — 2015» кўрик-
танловининг республика босқичи бўлиб ўтди**

Тадбиркорларимиз, фермерларимиз ва ҳунармандларимиз учун жорий ёз фасли ҳаяжонли ва қизиқарли воқеаларга бой бўлмоқда. Улар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1996 йилдан буён ўтказиб келинаётган аънанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этди.

Танловнинг номида ҳам ўзига хос рамзий маъно мўлжалланди. Жорий йилда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган аънанавий кўрик-танловда 6,2 мингдан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб бўлган 41 иштирокчи мамлакат босқичига йўлланма олди. Улар хизмат кўрсатиш, хўжалик фаолияти ва иқтисодиётнинг бошқа тармақларида ташаббускорлик ва фаоллиқни намоён этиб, мамлакатимизнинг иқтисо-

дий имкониятларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ҳунарманд» уюммаси томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлиги ва кўмағида ташкил этилди. Кўрик-танловдан қўзланган асосий мақсад бизнес муҳитини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати ва билим даражасини юксалтириш борасида зарур шарт-шaroитлар яратишдан иборат.

«Туркистон» саройида ташкил этилган экспозиция намоёқ ҳакамлар ҳайъати ва иштирокчилар, балки танловга таширф буюрган кўп-лаб

юртдошларимиз ва хорижий меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Турли товар ва буюмлар – озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, маиший техника, кийим-кечаклар, мебель, миллий заргарлик безаклари, гилам ва бошқа кўп-лаб маҳсулотлар саховатли заминимизнинг бунёдкорлик қудратини ёрқин намоён этди.

Иштирокчилар сафи сифат жиҳатидан йил сайин ўзгариб бормоқда. Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган халқ усталари ва ҳунармандлар ушбу рўйхатдан ўрин олаётди. «Ташаббус — 2015» кўрик-танлови халқимизнинг ўз истеъдоди ва ижодкорлигини юзага чиқариш, мамлакатимизда фаровонликни таъминлаш учун янги гоҳамда имкониятлар топишга бўлган интилишни яна бир бор намоён қилди.

(Давоми 2-бетда)

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 11 июнь кунни
Ўзбекистон ва Франция ишбилармон доираларининг бизнес-
форуми бўлиб ўтди.**

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташки иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, иқтисодиёт, банк-молия, нефть-газ, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, транспорт ва коммуникациялар, авиасозлик, консалтинг хизмати ҳамда қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Шавкат Тўлаганов ва бошқалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш борасидаги таъкидлади. Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва ҳаво транспорти соҳаларига оид битимлар ўзаро алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Савдо соҳасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. 2014 йилда

ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 287,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилнинг биринчи чорағида ушбу кўрсаткич 7,1 фоизга ошди. Мамлакатимизда франциялик сармоядорлар иштирокчида тузилган 14 қўшма корхона, Франциянинг 10 компанияси ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Мамлакатларимиз макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Юртимиз олимлари франциялик мутахассислар билан қўш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бизнес-форумда Франциянинг йигирмадан зиёд етакчи фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этгани мазкур мамлакат ишбилармонларининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга қизиқиши юқорилигидан далolatдир.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни 12-моддасининг вилоятдаги ижросини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди.

● Хоразмда «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, ёш олимлар, таниқли маданият ва санъат намояндаларидан иборат тарғибот гуруҳлари иштирокида вилоятнинг барча ҳудудларида ёшлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Ҳоким ва ёшлар» мавзуларида ўтказилган тарғибот тадбирлари, ижодий учрашувлар ва бошқа лойиҳаларда ўн мингдан ортиқ ёш иштирок этди.

● Самарқанд шаҳрида «Ҳамшира — 2015» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда даволаш-профилактика муассасаларида меҳнат қилаётган 11 нафар ҳамшира тиббиёт соҳасига доир назарий ва амалий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий билимларини беш шартда намоён қилди.

● Термизда «Жануб қуёши тафтида улғайганлар: устоз-шоғирд аънавалари» деб номланган расмлар кўргазмаси очилди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Бадий ижодкорлар уюммаси вилоят бўлими ва «Қамолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюммаси аъзоси, таниқли расом Турсунпўлат Ўроқов ҳамда ёш расом Хосият Тўлагановнинг асарлари намоён қилинган.

ЖАҲОНДА

● Япония маъмурлари ҳалокатга учраган «Фукусима» атом электр станциясидан ёнилғиларни олиш муддатлари ўзгартирилмаганлиги ҳақида маълум қилдилар. Яъни, икки йил олдин тузилган режага мувофиқ, учинчи энергоблоқдан ўз вазифасини ўтаб бўлган ядро ёнилғисини жорий йилнинг охирида, шунингдек, биринчи ва иккинчи энергоблоқдан 2017 йилнинг якунида олиш кўзда тутилган.

● Непалнинг шарқий ҳудудлари кучли ер силжишларидан жабр кўрди. Бундай сер оқимларига ушбу минтақада бил неча кундан буён давом этаётган тинимсиз ёмғирлар сабаб бўлган. Табиий офат натижасида ўнлаб одамлар бедарак йўқолган, кўпгина уйлар бутунлай вайрон бўлган. Қутқарувчилар фалокат юз берган жойга жабрланганларни қутқариш учун вертолётлар юборишни режалаштирмоқдалар.

● Американинг Boeing аэрокосмик концернида Boeing 737 MAX русумли янги турдаги самолёт учун йирик таркибий қисмларни йиғиш жараёни бошланди. Ушбу йўловчи аэробусининг инновацион ишланмаси ёнилғини истеъмол қилиш борасида юқори тежамкорлик ва фойдаланиш харажатларини қисқартиришни таъминлашга йўналтирилган.

